

Охират қуллиги



08:01 / 08.05.2020 1806

Абу Бакр ибн Айёш айтади: «Ёшлигимда бир киши менга: «Бу дунёда қодир бўлгунингча бўйнингни охират қуллигидан озод қил. Зеро, охират асири ўз-ўзидан қутулиб қолмайди», деган эди. Ўша гапни ҳеч қачон унутмадим».

Қанча чиройли суратлар бор, аммо унинг ичлари хунук

Абдулазиз ибн Абон Даврийдан ривоят қилинади: «Бир куни кечаси намоз ўқиб турсам, ғойибдан шундай товуш келди: «Эй Абдулазиз, қанчадан қанча гўзал юзли, чиройли либосли кишилар борки, жаҳаннам табақаларида у ёқдан бу ёққа кўчиб юришади».

«Солиҳлар гулшани» китобидан